O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент шаҳри

Toshkent sh., 100011, Abay ko‘ch., 6-uy Tel: +998 71 244-25-67, Faks: +998 71 244-25-66, e-mail: dav_ekspertiza@mail.ru www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Директор: SHOBUTAEV BOBIR A
Сана: 29-01-2021 йил

ЙИҒМА ЭКСПЕРТ ХУЛОСА № 1459

Объект номи «Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Боғи шамол кўчаси 106-уйда жойлашган кичик саноат зонаси худудида ички йўлларини асфальт-бетон билан қоплаш ва жорий таъмирлаш.»

Буюртмачи – «Тошкент шаҳар саноат зоналарини бошқариш дирекцияси».
Бош лойиҳачи - ХПСП (ЗДОРОВЪЕ-М) МЧЖ.
Лицензия АЛ-001144 -сонли, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги 12.07.2019.
Молиялаштириш манбаи - Бюджетдан ташқари маблағлар
Бош пудратчи – Тендер танлови асосида
Қурилиш тури: Жорий таъмирлаш.
Мурожаат раками: № 1158

1. Лойиҳалаш учун асос.

Буюртмачи томонидан 2021 йилда тасдиқланиб расмийлаштирилган нуқсонли далолатнома нусхаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳрида кичик зоналарни ташкил этиш тўғрисидаги 2017-йил 18-майдаги ПҚ-2973-сонли қарори.

Лойиҳа смета хужжатлри учун техник топшириқнома.

2. Экспертиза учун тақдим этилган материаллар.

«Тошкент шаҳар саноат зоналарини бошқариш дирекцияси» 10/02-235-сонли буюртма хати.

Экспертиза кўригига қадар объектларнинг жорий таъмирлаш ишларининг лойиҳа ташкилоти томонидан нуқсонли далолатномага асосан тайёрланган смета ҳужжатлари. Умумий қиймати 15% ҚҚС билан ҳисобланганда – **77 083,207** минг сўмни, меъёрий меҳнат сарфи ресурс сметаси бўйича – **573,281** киши/соатни ташкил этади.

Объект йиғма локал ресурсларининг рўйхати (Ишлатиладиган машина ва механизмлар ҳамда қурилиш материаллар рўйхати).

Жорий таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхати экспертизага тақдим этилмади.

3. Лойиҳа ечимларининг қисқача мазмуни.

Тошкент шахар, Юнусобод тумани Боғи шамол кўчаси 106-уйда жойлашган кичик саноат зонаси

худудида ички йулларини асфальт-бетон билан коплаш ва жорий таъмирлаш.

Ишчиларнинг бир соат учун ўртача иш ҳақи, объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда ҳудуд бўйича қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори асосида ҳисобланиб, норматив меҳнат сарфини 1 киши-соат кўрсаткичининг жорий нархига (сўм) ижтимоий суғурта тўловлари (12%) билан қўшиб ҳисобланганда асосий иш ҳақи учун харажат қиймати - 20 528,648 соат/сўм белгиланган.

Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари, конструкциялар ҳамда ускуналар учун сарфланадиган транспорт харажатлари миқдори -5,0 %.

Пудратчининг бошқа харажатлари – 17,27 %.

Қўшимча қиймат солиғи – 15%.

Бинонинг якуний ҳаражатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261-сонли қарори, ШНҚ 4.01.16-09 меъёрлари ва “Давархитектқурилиши” қўмитасининг 30.07.2009 йилдаги 83-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган.

4. Лойиҳаланаётган объектнинг муҳандислик таъминоти:

Смета хужжатларида муҳандислик таъминоти кўзда тутилмаган.

5. Лойиҳани келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

Ишчи лойиҳаси бўйича буюртмачи томонидан келишилган бўлиб, шаҳарсозлик ҳужжатларининг экспертиза натижалари бўйича қўшимча эътироз ва таклифлари мавжуд эмас.

6. Экспертиза натижалари.

Смета ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнида эксперт томонидан аниқланган хато ва камчиликлар, лойиҳа ташкилоти томонидан ўзгартириш ва тузатишлар киритилиши натижасида тўғриланиб қайта тўлдирилди:

- экспертиза текшируви ҳамда сметадаги тузатишлар бўйича смета ҳаражатларини қайта ҳисоблаш натижасида жорий нархларда 15 % ҚҚС билан ҳисобланганда – **14 698,851** минг сўмга камайтирилиб, - **62 384,356** минг сўм қилиб белгиланди;

- дастлабки смета ҳужжатлари ҳисоб-китобини камайтирилиши ёки пасайганлиги ресурс смета меъёрлари, машина ва механизмларнинг нархлари, қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг иш ҳақи миқдори ва меъёрлари, жиҳозларнинг рўйхати (технологик воситалар) ва мебель инвертор жиҳозлар ҳамда бошқа харажатларни аниқлаштириш орқали қайта ҳисобланиш натижасида ўзгартирилди.

Шартнома бўйича импорт технологик ускуналарни сотиб олиш ва етказиб бериш харажатлари ва у билан боғлиқ харажатлар шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан ўтказилмайди.

Буюртмачи объект бўйича ўрнатиладиган барча асбоб-ускуна , жиҳозларнинг рўйхати (технологик воситалар) ва мебель инвентар жиҳозларни сотиб олишида 2018 йил 9-апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги 472-сонли Қонун талабларига риоя этилсин.

Смета ҳужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларининг якуний ҳаражатлари буюртмачи ва пудратчи томонидан қурилиш тугагандан сўнг, ҳақиқий (ижро хужжатлари) назорат натижалари асосида аниқланади.

Буюртмачи смета ҳужжатларини тасдиқлашдан олдин белгиланган тартибда тегишли манфаатдор

ваколатли органлар билан келишиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 январдаги 15-сонли қарорининг 4-иловасига мувофиқ, II боб 8-банд ва ШНҚ 1.03.06-13 да “Давлат экспертизасига тақдим этиладиган шаҳарсозлик хужжатларининг сифати учун жавобгарлик буюртмачига (дастлабки маълумотларни лойиҳалаштириш жараёнида тақдим этилган дастлабки маълумотларнинг ишончилиги бўйича) ва ишлаб чиқувчига (қабул қилинган лойиха қарорлари бўйича) юклатилади”.

Смета ҳужжатларида кўрсатилган буюртмачи ва пудратчининг бошқа ҳаражатлари миқдори бўйича шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

7. Хулосалар.

Тошкент шахар, Юнусобод тумани Боғи шамол кўчаси 106-уйда жойлашган кичик саноат зонаси худудида ички йулларини асфальт-бетон билан коплаш ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича тайёрланган смета ҳужжатларига ишларини амалга ошириш бўйича тайёрланган смета ҳужжатлари келгусида келишиш ҳамда тасдиқлаш учун буюртмачининг бошқа харажатлари ва 15 % ҚҚС билан ҳисобланганда умумий миқдорда - **62 384,356** минг сўмга.

Бунда

- Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари, конструкциялар ҳамда ускуналар учун сарфланадиган транспорт харажатлари билан биргаликдиги харажатлар – 27 657,532 минг сўмни;

- асосий ойлик учун ижтимоий суғурта тўловлари харажатлари билан хисобланганда – 7 174,393 минг сўмни;

- машина ва механизмлар учун сарфланадиган харажатлар – 11 426,509 минг сўмни;

- пудратчининг бошқа харажатлари (17,27 %) – 7 988,832 минг сўмни;

- қўшимча қиймат солиғи (15 %) – 8 137,090 минг сўмни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261-сонли қарори ва ШНК 4.01.16-09 меъёрларига мувофиқ танлов савдоларини ўтказиш учун объектнинг қиймати буюртмачи томонидан белгиланади. Тасдиқлаш учун тавсия этилган жорий таъмирлаш ишлари нархи чекланган қиймат ҳисобланиб, асосий қарорни буюртмачи ва бош пудрат корхонаси томонидан шартномавий муносабатлар орқали амалга оширилади.

Эксперт: Иномов Ю.Б.

Бош мутахассис: Alimjanov Muzaffar Anvarovich

Ishtirokchi ekspertlar:

INOMOV YUSUF BEGALI O‘G‘LI

Реконструкция водопроводных сетей и УРВ №2 в ССГ Кетенлер н.п. Бескудук Шуманайского района
Файлни кўриш